

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA
O`RTA MAXSUS TA`LIM VAZIRLIGI**

GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI

Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari
va huquq ta'limi, 3-bosqich, talabasi

Abduvohidov Elyorning

KURS ISHI

MAVZU: QADRIYAT-JAMIYAT TARAQIYOTINI ASOSI SIFATIDA.

Ilmiy rahbar:

X. Mirzahmedov

Guliston-2014-yil

MAVZU: QADRIYAT-JAMIYAT TARAQIYOTINI ASOSI SIFATIDA.

REJA:

Kirish

Asosiy qism

I-BOB FUQAROLIK JAMIYATI VA QADRIYAT TUSHUNCHASI.

I.1. Qadriyat tushunchasi.

I.2. Fuqarolik jamiyatini qurishda qadriyatning ahamiyati.

II-BOB. UMUM INSONIY QADRIYATLAR VA QARASHLAR.

II.1. Qadriyatlar va ularga xavf solayotgan yod qadriyatlar va madaniyat/

II.2. Sharq va G`arb qadriyatlari o`rtasidagi tasavvuf.

Xulosa.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

Кириш

Миллий мустақиллик ғоясини ва янги мафқурани шакллантириш билан боғлиқ равишда Ўзбекистон файласуфлари олдига муҳим вазифалар кўндаланг бўлмоқда. Жамиятда мафқуранинг тутган ўрни ва мавқеи, унинг маънавий-ахлоқий янгиланиши, янги ижтимоий энг юксак орзу ва қадриятларнинг қарор топиши, уйғун баркамол авлод тарбияси ҳақидаги ижтимоий онгни шакллантириш ғояси ўз аксини Ўзбекистон Республика Президенти И.А.Каримовнинг асарларида¹, расмий нашрларда², олимларнинг тадқиқотларида, ижтимоий-сиёсий масалаларга доир адабиётларда топмоқда.³ Шаклланаётган миллий истиқлол мафқурасининг «мустақиллик», «келажги буюк давлат», «бозор», «ҳуқуқий давлат», «демократик жамият», «маърифатли жамият», «умуминсоний қадриятлар», «уйғониш», «давлат ислоҳотчи сифатида» каби тушунчаларимизни очиб беришга қаратилган биринчи қадамлар қўйилди.

Умуминсоний қадриятлар инсонни эъзозлаш, ҳаётни севиш, бурч, садоқат, аждодларга ҳурмат, ватанпарварлик, адолат, маърифатпарварлик, тинчлик, тотувлик, дўстлик, ҳамкорлик сингари фазилатларни ифода этади. Тажриба шуни кўрсатадики, бирон бир миллий маданиятни улуғлаб, уни бошқа маданиятдан устун қўйиш ва бошқа халқларга мажбуран тарўиб этиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Таракқиётимизнинг ҳозирги босқичида юксак маданиятли инсонни тарбиялаш, қонунчиликка амал қиладиган, фуқаролик бурчини адо этадиган, демократик жамият талабларига риоя қиладиган баркамол шахсни шакллантириш вазифаси турибди. Шундай қилиб, маданият ва цивилизация бир-бирини тақозо этадиган, шахс ва жамиятни янада такомиллаштириш учун хизмат қиладиган ва айни вақтда, ижтимоий борлиқнинг туб асосини ташкил этадиган ҳодисалардир. Миллий мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар мамлакатимизнинг цивилизацияли таракқиёти учун пухта замин

Баден мактабининг асосчиси *Вильгельм Виндельбанд* (1848-1915) эди. Бу йўналишнинг кўзга кўринган бошқа бир вакили *Генрих Риккерт* (1863-1936) эди. Виндельбанд фалсафани умумий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар ҳақидаги таълимот сифатида ифодалайди. Айнан қадриятлар инсон фаолиятини табиий жараёнлардан фарқлайди. Қадриятлар тарихий жараёнда маданий ҳодисалар сифатида мужассамланадилар ва идрок қилинадилар. Шунинг учун фалсафада учун тарих фанларининг услубий асосларини аниқлаш муҳимдир. Виндельбанд илмий билимларни уларнинг мавзусига кўра, табиат ҳақидаги ва «руҳ» ҳақидаги фанларга бўлишдан воз кечди. Фанлар ўртасидаги асосий фарқ мавзу соҳасида эмас, балки уларнинг услубларида

¹ Кармиов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва қоидалар. –Т., 2000.

³ Ҳ.Пўлатов. Ўзбек мафқураси: ўзбек миллий уйғониш мафқураси ҳақида. Т., Мулоқот, 1991, №6,7.
У.Абилов. Миллий ғоя: маънавий омиллар. –Т., Маънавият, 1999.

яширингандир. Баден мактабининг ушбу асосий қоидасини Виндельбанд ўзининг «Тарих ва табиатшунослик» деб номланган дастурий нутқида қуйидагича ифодалади: «Тажрибага асосланган фанлар воқеъ дунёни билишни гоҳ табиат қонуни шаклида келувчи умумийдан, ёки тарихий шароит билан чекланган «бирликдан» қидирадилар. Уларнинг баъзилари - қонунлар ҳақидаги фанлар моҳияти бўлса, бошқалари - воқеалар ҳақидаги фанлардир, уларнинг биринчилари ҳамма вақт бўладиган нарсалардан таълим берса, охирчилари - бир марта рўй берган воқеадан ҳикоя қилади. Биринчи ҳолатда илмий тафаккур номотетик фикр бўлса, иккинчиси – *идеографик* фикрдир»⁴. Номотетик фанлар қонунни тақозо қилинадиганлар сифатида келиб чиқса, идеографик – алоҳида олинган хусусий ҳолатни тасвирловчи сифатида келиб чиқади: биринчилари хусусийдан умумийга ўтишга интилса, иккинчилари – хусусийда тўхтаб қолади. Виндельбанд фикрича, идеографик усул қадимги даврлардан бошлаб ҳозирги кунгача назар-писанд қилинмай келинди, холбуки, алоҳида олинган шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам ҳаётий воқеалари фақат уларнинг ягоналиги ва бир марталиги билангина аҳамиятга ва қадриятга эгадир.

Виндельбанднинг усулий қоидасини ривожлантириб табиатшунослик усуслини *Г.Риккерт* «умумлаштирувчи», тарихий билиш усуслини эса «ягоналаштирувчи», деб атади. Ушбу фарқ воқеълик элементларининг (умумий ва хусусий) бу фанлар орқали ўрганилиши учун танлаб олинган қоидаларидан ва турли вазифалардан келиб чиқади. Бу ерда шуни қайд этиш лозимки, фарқ бу фанларнинг объектив мазмуни тақозосидан эмас, балки «истақдаги табиатшунослик» ва «хоҳловчи тарих» иродасидан келиб чиққан. Баден мактабининг асосчиси каби Риккерт умумийнинг объектив мавжудлигини инкор қилиб, номинализм нуқтаи назарида туради. Умумий фақат тушунчалар моҳиятидир. Натижада Риккерт шундай хулосага келадики, табиатшунослик фан сифатида тушунчалар билан иш кўрса, тарих эса воқеълик билан иш кўради.

Тарихчи воқеъликни таҳқиқ қилиб, «иккинчи даражали нарса»дан «аҳамиятли» ёки «моҳиятий» жиҳатини алоҳида ажратиб кўрсатади. «Моҳиятий» ёки «аҳамиятга эга» бўлган нарса қадриятли демакдир. Қадриятлар борлиқ билан бир қаторда мавжуддирлар. Дунё, дейди Риккерт, «воқеълик ва қадриятлардан таркиб топгандир»⁵. Қадриятларни субъектга боғлиқ бўлган баҳолаш билан аралаштириб юбормаслик лозим. Қадриятлар муносабатлар билан боғлиқ бўлмасдан «субъекдан юқори турувчи» ва «борлиқдан юқори» («трансцендент») бўлган хусусиятга эга; бу «субъект ва объектнинг орқа томонида жойлашган бутунлай мустақил салтанатдир». Риккерт маънавий ҳаётнинг олти доираси бўлган мантиқ, эстетика, мистика, ахлоқ, эротика ва динга мувофиқ келувчи қадриятларнинг олти хилини (ҳақиқат, гўзаллик, шахсиятдан юқори турувчи муқаддаслик, ахлоқийлик, бахт-саодат ва шахсий муқаддаслик) ажратиб кўрсатади.

⁴ В.Виндельбанд. Прелюдин. Сп(б), 1904, -Б.320

⁵ Г.Риккерт. О понятии философии. «Логос», 1910. –Б. 33

1-§. Қадрият тушунчаси

XIX аср ўртасига қадар фалсафада «борлиқ» ва «қадрият» тушунчалари бир-биридан ажратилмаган эди. *Аксиология* (юнонча *axia* - қадрият ва *logos* таълимот сўзларидан) мустақил фан сифатида борлиқ тушунчаси икки компонентга ажралган пайтда юзага келади: бир нарсанинг мавжуд бўлиши ва унинг моҳияти. Бошқача қилиб айтганда, объект ва субъектнинг ўзаро таъсири пайтда субъект учун объектда шундай бир нарса аён бўладики, уни объектнинг мавжуд бўлишининг ўзигагина боғлаб бўлмайди, яъни у гўё ушбу мавжудлик чегарасидан ташқарида туради ва у учун муайян аҳамиятга эга бўлади. Объект ва субъектнинг ўзаро таъсирини ана шундай тушуниш қадрият тушунчасини ҳозирги замон фалсафасининг категориал аппаратининг элементи сифатида шаклланиши учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилди.

Қадриятлар - воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг қимматини белгилаш учун хизмат қилувчи фалсафий категория бўлиб, у мазкур ҳодисанинг субъект томонидан акс эттирилиши натижасида пайдо бўлади.

Қадриятларнинг табиати ҳақида сўз кетар экан, фалсафий адабиётларда бир-бири билан рақобат қилувчи тўртта асосий ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин. *Биринчи ёндашувга* кўра, қадриятлар дунёси алоҳида, мустақил, субъектга ҳам, объектга ҳам нисбат бериб бўлмайдиган олам сифатида талқин этилади. Неокантианликнинг классикларидан бири Г.Риккерт ёзганидек, «қадриятлар субъект ва объектдан ташқарида жойлашган бутунлай мустақил салтанатни ташкил этади».⁶ *Иккинчи ёндашувга* кўра эса, қадриявий хусусиятлар нарсаларнинг ўзида мавжуддир. Бошқача қилиб айтганда қадриятлар манбаи ташқи воқелик хусусиятларида кўринади. Ана шу билан боғлиқ равишда қадриятлар нарсаларнинг муайян

⁶ Риккерт Г. О понятии философии. – «Логос», Кн.1. СПб.ю 1910. 33-б.

эхтиёжларни қондира олишга бўлган объектив қобилияти сифатида қаралади. *Учинчи ёндашув*нинг моҳияти шундан иборатки, табиатда қадриятлар мустақил мавжуд эмас. У ёки бу нарсалар фақат субъектнинг баҳолаш фаолияти туфайли ўз кадр-қимматига эга бўлади. Бунга мисол сифатида ғарб эстетикаси антологияларидан бирининг тузувчиси бўлган М.Рейдернинг фикрини келтириш мумкин: «Ҳақиқатларга карама-қарши ўларок, қадриятлар шунчаки тасаввур қилинади холос... Фактлар кузатувчилар гуруҳи учун бир хил хусусиятга эга бўлса, қадрият ҳар бир баҳоловчининг субъектив фикри билан боғлиқ равишда турли табиатга эга бўлади»⁷. Бир киши учун қимматли бўлган нарса бошқа киши учун ундай бўлиб кўринмайди. *Тўртинчи ёндашув*да эса олдинги ёндашувларнинг ўзига хос синтези амалга оширилади ва қадриятларнинг икки ёклама (объектли ва субъектли) табиатга эга эканлиги таъкидланади.

⁷ Современная книга по эстетике. Антология. М., 1957.

2. Фуқаролик жамиятини қуришда қадриятнинг аҳамияти

Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритганлиги, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар файласуфлар олдига зарурий равишда янги муаммоларни қўймоқда.

Миллий мустақиллик ғоясини ва янги мафқурани шакллантириш билан боғлиқ равишда Ўзбекистон файласуфлари олдига муҳим вазифалар кўндаланг бўлмоқда. Жамиятда мафқуранинг тутган ўрни ва мавқеи, унинг маънавий-ахлоқий янгиланиши, янги ижтимоий энг юксак орзу ва қадриятларнинг қарор топиши, уйғун баркамол авлод тарбияси ҳақидаги ижтимоий онгни шакллантириш ғояси ўз аксини Ўзбекистон Республика Президенти И.А.Каримовнинг асарларида⁸, расмий нашрларда⁹, олимларнинг тадқиқотларида, ижтимоий-сиёсий масалаларга доир адабиётларда топмоқда.¹⁰ Шаклланаётган миллий истиқлол мафқурасининг «мустақиллик», «келажаги буюк давлат», «бозор», «ҳуқуқий давлат», «демократик жамият», «маърифатли жамият», «умуминсоний қадриятлар», «уйғониш», «давлат ислохотчи сифатида» каби тушунчаларимизни очиб беришга қаратилган биринчи қадамлар қўйилди.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги жиҳатларини тадқиқ қилишни давом эттириш ҳозирги замон талабидир. Фалсафа Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг миллий хусусиятлари ва яшаш тарзининг ўзига хослигини, минтақада вужудга келган муайян-тарихий шароитни ҳисобга олган ҳолда умумий тушунчалар, инсоният тараққиётининг умумий мантиғи, ижтимоий-сиёсий гуруҳлар, у ёки бу сиёсий ғоялар ва давлатларнинг амалий фаолиятларидан келиб чиқиб танқидий равишда идрок этиши лозим.

Ижтимоий борлиқнинг ҳозирги замондаги түб масалаларини, жумладан: бирламчилик нуқтаи назаридан янги қурилаётган жамиятда шахс манфаатлари билан давлат манфаатларини ўзаро муносабатини жиддий назарий тадқиқ қилиш кутилмоқда. Анъана ва урф-одатларни тиклаш сиёсати уларни тўла ёки қисман фаоллаштиришни билдириши лозимми ёки йўқми ва уларни танлаб олиш қоидаси қандай бўлмоғи лозим? Анъаналар ва янгиликларни, муҳофазакорлик ва ҳаракатчанликни, эски ва янги ўртасидаги тафовутни қандай мувофиқлаштириш мумкин? Қандай қоидаларга таянган ҳолда кам сонли аҳоли (ирқий, диний ва бошқа жиҳатлардан) ҳуқуқ ва манфаатлари муаммоларини ҳал қилишнинг имкони борми? Янги жамиятда Шарқ ва Ғарб

⁸ Кармиов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997

⁹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва қоидалар. –Т., 2000.

¹⁰ Ҳ.Пўлатов. Ўзбек мафқураси: ўзбек миллий уйғониш мафқураси ҳақида. Т., Мулоқот, 1991, №6,7.
У.Абилов. Миллий ғоя: маънавий омиллар. –Т., Маънавият, 1999.

қадриятлари қандай ўзаро муносабатда бўладилар? Ўтиш даврида давлат назорати билан фуқаролик жамиятини барпо қилиш жараёнининг нисбати қандай бўлади? Ҳақиқий ва сохта озодлик нимани билдиради? Давримизнинг бу ва бошқа долзарб масалалари оддий хусусиятга эга бўлмасдан, ўзининг аҳамияти жиҳатидан мамлакатимиз файласуфларидан касбий ва фуқаролик масъулиятини талаб қилиб, муаллифлар тарафидан ноёб фалсафий қарашларни вужудга келтиришни тақозо қилади. Фалсафий тадқиқотларнинг муаммовий майдонини янада кенгайтириш вазифаси кўндаланг турибди. Ҳозирча республикада қадриятшунослик, фалсафий антропология, дин фалсафаси, техника фалсафаси, компаративтика фалсафаси ва ҳоказоларга бағишланган жиддий тадқиқотлар кам. Афсуски, ҳозиргача республикаимизнинг дунё фалсафий жамиятидан ажралиб қолганлиги сақланиб, фалсафий алоқалар Ёрб мамлакатлари ва шарқ давлатлари олимлари орасида ҳам, Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ҳам заифдир. Шунингдек, мумтоз ва замонавий фалсафий адабиётни ўзбек тилига ҳамда ватанимизнинг энг яхши фалсафий тадқиқотларини чет тилларга¹¹ таржима қилишнинг аниқ мақсадга йўналтирилган тизимини жорий этиш муҳимдир.

Мустақиллик йилларида республикада «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» доирасида олий ўқув юртларида фалсафий фанларни ўқитишнинг мазмуни тубдан ўзгарди. Янги дарслик адабиётлар нашр этилмоқда¹².

Республика олимлари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётининг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ келадиган янги авлод дарсликларини вужудга келтиришга киришдилар. Бироқ кўп ҳолларда фалсафани ўқитиш маълум даражада соддалаштирилган қолипларда қолиб кетмоқда. Замон тақозосига кўра, фалсафа ўқитувчиларининг касбий малакасини ошириш, ўқитиш услуб ва воситаларини такомиллаштириш йўли билан асосий мақсадга эришиш, яъни жаҳон фалсафий тафаккурини барча туб моҳиятини ҳар бир талабага етказиб, уларни мулоҳаза юритишга ўргатиш имкониятини вужудга келтиришдир. Замонамизнинг бу ва бошқа долзарб масалалари ўзининг аҳамияти жиҳатидан мамлакатимиз файласуфларидан касбий ва фуқаролик масъулиятини талаб қилади.

¹¹ Қ.Хоназаров. Фалсафанинг ва бизнинг фалсафамизнинг йўли. «Правда Востока», 2001

¹² «Основы философии». Т., 2004, Э.Юсупов. «Фалсафа». Т., 2005, «Фалсафа» Т., 2005

3.Қадриятлар ва уларга хавф солаётган ёт қадриятлар ва маданият

Фалсафий адабиётларда қадриятларнинг турли типлари ажратиб кўрсатилади.

1. Қадриятлар қуйидаги белги бўйича фарқланиши мумкин: Нима баҳоланяпти ва нимага асосан баҳоланяпти? Шу билан боғлиқ равишда улар қуйидагича турларга ажратилади:

а) *предметли қадриятлар* - кадр-қиммат муносабатларининг объектлари, яъни воқеликдаги субъект учун муайян қимматга эга бўлган ходисалар. Уларга қуйидагилар киритилади:

- табиий объектлар, жараёнлар ва ходисалар;
- ижтимоий объектлар, жараёнлар ва ходисалар.

б) *субъектли қадриятлар* - у ёки бу ходисаларни баҳолаш тадбирини ўтказишда асос бўлиб хизмат қилувчи усуллар ва мезонлар. Уларга қуйидагилар киради:

-меъёрий тақдимномалар сифатида баён этилган кўрсатмалар, баҳолар, императивлар, мақсадлар, лойиҳалар.

2. Қадриятлар социумининг қандай соҳаси билан боғлиқ эканлигига қараб ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шундан келиб чиқиб *ахлоқий, бадиий, утилитар, илмий, диний* ва бошқа қадриятлар фарқланади.

3. Қадриятлар умумийлик даражасига қараб, яъни, у ёки бу ҳодиса қанча миқдордаги субъектлар учун қимматга эга эканлигига қараб ҳам фарқланади. Шу билан боғлиқ равишда қуйидаги турлар ажратиб кўрсатилади;

- *индивидуал қадриятлар*;
- *гуруҳий қадриятлар* (миллий, диний, жинсий, ёш); ушбу гуруҳлар доирасида *ғарб ва шарқ қадрият* тизимлари ҳақида сўз юритиш мумкин.
- *умуминсоний*;

4. Қадриятлар улар субъект томонидан қай даражада ўз хусусий мақсади ёки тамойиллари сифатида тан олинishi ёки ташқи шароитдан келиб чиқувчи бир нарса сифатида қабул қилинишига кўра фарқ қилиши мумкин. Шу билан боғлиқ равишда *ташқи* ва *ички* қадриятлар ажратилади.

5. Қадриятлар инсон ҳаёти ва фаолиятининг негизлари учун, унинг эҳтиёжлари ва мўлжалларининг моҳиятини ифодалаш учун қай даражада қимматга эга эканлигига қараб ҳам фарқланади. Шу муносабат билан улар қуйидаги турларга ажратилади:

- *мутлақ* ёки боқий қадриятлар (константалар);
- *вазиятли*, ўткинчи ёки қадриятлар ва қадриявий мезонларининг муайян тарихий шакллари (эмпирик ўзгарувчан қадриятлар).

6. Қадриятлар улар бажарадиган функцияга кўра ҳам фарқланади. Шу билан боғлиқ равишда қадриятлар *мезон усули* сифатида, қадриятлар ижтимоий гуруҳларда *назорат усули* сифатида, қадриятлар ижтимоий тартибни яратиш ва сақлашда *функционал зарур бўлган* меъёрлар сифатида ажратилади.

Аксиологияда жуда кўп анъанавий ва ҳозирги замон фалсафий муаммолари янгича кўриб чиқилади. Масалан, анъанага кўра, *ҳақиқат*га етиш илмий билишнинг идеали, шаксиз неъмат, яхшилик деб ҳисобланган. Бироқ XX аср ушбу қарашга ўз тузатишларини киритди. Индустриализмнинг ва техницистик ёндашувларнинг салбий оқибатлари, оммавий қирғин қуроллари яратилиши ва қўлланиши, ген муҳандислигининг пайдо бўлиши шуни кўрсатадики, муаммога соф гносеологик ёндашув етарли эмас. Бугунги кунда «фақат ҳақиқатнинг қадри ҳақидагина эмас, балки унинг баҳоси ҳақидаги масала ҳам пайдо бўлади, бунда бошланғич ҳисоб нуқтаси сифатида инсон ва унинг бахт-саодати намоён бўлади»¹³. Ҳақиқат тобора кўпроқ аксиологик категориялар кўзгуси орқали қарала бошланмоқда.

Лозим ва зарур нарсалар ҳақида қадриявий идеаллар сифатида сўз юритар экан, аксиология борлиқнинг муаммоли масалалари борсида бизнинг тасаввурларимиз доирасини кенгайтирди. Илгари меъёрий ҳодиса деб ҳисобланган нарсалар ҳозирги замон аксиологик ёндашувлари кўзгусида ундай бўлиб кўринмайди. Қадриявий мезон ва қадриявий қараш амалда ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб бормоқда. Бугунги кунда шу нарса аён

¹³ Фролов И.Т. О человеке и гуманизме. М., 1989. 215-б.

бўляптики, бирон бир ижтимоий институт, бирон бир муҳим ижтимоий муаммо, жамиятнинг бирон бир соҳага аксиологик ёндашувлардан ташқарида кўриб чиқилиши мумкин эмас. Бунда кадриятларни қайта баҳолаш локал масалаларга ҳам, глобал масалаларга ҳам бирдек тегишлидир. Техник тараққиёт бахт-саодат келтирадими? Инсонни клонлаштириш мумкинми? Эвтаназия - бу эзгуликми ёки қотилликми? Агар унинг кашфиётларидан фойдаланиш одамларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлса, олим ўз кашфиётининг оқибатлари учун жавобгар бўладими? Илмий ва сиёсий онгда аста-секин соф иқтисодий, соф технологик, кадриявий компонентлардан ташқарида қаралувчи соф тадқиқотчилик лойиҳаларидан воз кечиш тамоийли юзага келаётганини кўриш мумкин.

Ўз навбатида кадриятларнинг ўзига, муносабат ва кадриявий онга гносеологик, социологик, психологик, семиотик ва бошқа ёндашувлар нуқтаи назаридан қаралмоқда.

Турли тарихий даврларда, турли мамлакатларда ва халқларда, ижтимоий гуруҳларда ва айрим индивидларда турли-туман кадриявий ориентациялар (мезонлар) мавжуд бўлган. Улар гуруҳий даражада ҳам индивидуал даражада ҳам мавжуддир. Кадриявий ориентацияларнинг хилма-хиллиги турли омиллар томонидан тақозо этилган. Булар қаторига атрофни ўраб турувчи табиий муҳит ҳам, яшаш учун маблағлар топиш воситалари ҳам, сиёсий воқеалар, оиладаги тарбия, шахсий ҳаётининг тажриба ва бошқалар кирилади. Муайян босқичда, ривожланган шаклда кадриявий мезонлар тизимли хусусият касб этади.

Турли-туман кадриявий ориентацияларнинг кадриятлар тизими сифатида ташкил топиш улар орасида бошқа дунёқараш мезонларини бўйсундирувчи, белгиловчи ва шакллантирувчи, улардан устун бўлган кадриятлар пайдо бўлган вақтда юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, кадриятлар тизимининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилувчи субстанционал негиз пайдо бўлади. Бу негиз *парадигма* (устунлик қилувчи кадриятлар) хусусиятига эга. Жамият даражасида олганда (ижтимоий

гурухлар даражасида) ушбу устун кадриятлар охир-оқибатда муайян тарихий даврнинг ижтимоий жамиятига хос тамойиллар билан белгиланади.

Индивидуал даражада олганда кадриявий ориентациялар тизимининг шаклланиши шахснинг етуклигини, унинг бутунлигини англатувчи кўрсаткичдир. Шахснинг кадриявий ориентациялари эклектик ва қарама-қарши хусусиятга эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда биз ягона, бир бутун тизим сифатида шаклланмаган, ривожланмаган кадриявий мезонларга дуч келамиз. Кадриявий ориентацияларда етукликнинг, яхлитликнинг ва тизимлиликнинг йўқлиги уларнинг ташқи, кўп ҳолларда тасодифий омилларга боғлиқ бўлиб қолишга, хулқ-атвордаги ҳатти-ҳаракатлар изчиллигининг мавжуд бўлмаслигига, ўз фикрига эга бўлмасликка, қашшоқ, ўз қиёфасига эга бўлмаган эҳтиёжлар тузилмасига олиб келади.

Шакллланган кадрият ориентациялари асосида эса шахснинг дунёқараши, тарбия ва ва ҳаётий тажриба туфайли ишлаб чиқилган хулқ-атвор кодекси тамойилларига, ҳаётий мақсадлар, чуқур ва барқарор эҳтиёжлар ётади. Инсон хулқ-атворининг мотивацияси, йўналиш ва стратегиясини белгиловчи эҳтиёжлар, вазиятлар ва омиллар поғонасида кадриявий ориентациялар тизими, одатда, энг юқори поғонада туради.

Шахснинг кадриявий мезонларининг фаолиятида онгли ва онгости даражаларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Фалсафий адабиётда жамиятнинг тарихий ривожланишидаги кадриявий тизимларни таснифлашга турлича ёндашувлар мавжуд. Бу ёндашувларнинг ҳар бири бошқаларини тўлдиради, чунки кадриявий тизимларни кўриб чиқишнинг бир даражасини кўрсатади. Стадиал ва маданий-цивилизацион ёндашувлар энг кўпроқ умумлаштирилган ёндашувлардир, зеро уларда ижтимоий тизимлар яхлит кўриб чиқилади.

Стадиал ёндашувнинг ёрқин намунаси *формацион ёндашув*дир (К.Маркс). Ушбу ёндашувга кўра жамиятнинг ривожланиши - бу сифат жиҳатдан муайян ишлаб чиқариш усулига асосланган, кетма-кет алмашинувчи босқичлар (ижтимоий-иқтисодий формациялари) занжири. Ҳар

бир ишлаб чиқариш усули жамиятнинг муайян сиёсий-ижтимоий тузилмасини юзага келтиради. Ана шунга мувофиқ равишда қадриявий тизимлар ҳам қарор топади. Масалан, ишлаб чиқариш воситаларига жамоат томонидан эгалик қилишга ва уруғчиликка асосланган ибтидоий жамоа тузумида қадриявий тизимлар жамоавийликнинг, уруғчиликнинг шахсийлик ва индивидуалликка нисбатан, анъанавийликнинг янгиликларга нисбатан устуворлиги тамойилларига йўналтирилган. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ва қарор топиши билан индивидуалликнинг ривожланиши учун иқтисодий замин юзага келади. Айни пайтда мулк муайян гуруҳга мансуб кишилар (хукмрон синфлар) қўлида тўпланган жамиятларда мазкур синфларнинг қадриявий мезонлари хукмрон бўлиб қолади ва одатда конунчилик томонидан расмийлаштириб қўйилади.

Формацияли ёндашув билан бир қаторда *стадиал ёндашув* доирасида бир-бири билан рақобат қилувчи бир қатор назарияларни ажратиб кўрсатиш мумкин. (Д.Белл, О.Тоффлер, Г.Дилигенский ва бошқалар).

Ҳозирги замонавий қарашлардан бирига мувофиқ (Г.Дилигенский) жамият ривожига қуйидаги цивилизациявий босқичларни ажратиш мумкин: космоген (анъанавий жамиятлар), техноген (индустриал жамиятлар), антропоген (келажак жамияти).

Космоген цивилизация уруғчиликнинг индивидуаллик, анъаналарнинг янгиликларга нисбатан устуворлигига йўналтирилган. Шунга мувофиқ асосий хусусияти анъанага йўналтирилганликдан иборат бўлган қадрият тизимлари шаклланади. *Техноген цивилизация* илмий-техник тараққиётга, технологик ва ижтимоий янгиликларга йўналтирилган қадрият тизимларини шакллантиради. Бироқ индустриализм шароитларида автоном шахснинг ривожланиши одамлар ўртасида асрлар давомида юзага келган ижтимоий алоқаларнинг йўқолишга, инсоний мулоқотнинг етишмаслигига, «ёлғизлик»ка, индивидуализмга, худбинликка олиб келади. *Антропоген цивилизация* - жамоавийлик ва индивидуалликни уйғунлаштириш, хилма-

хилликдаги муштаракликка эришишга уринишдир. Қадриявий мезонлар тизимининг ўзаги - гуманизм.

Турли халқларга хос қадрият мезонларини уларнинг маданий-цивилизациявий асослари (этник, минтақавий, диний ва ҳоказо) нуқтаи назаридан кўриб чиқишга асосланган ёндашув муҳим аҳамиятга эга. (О.Шпенглер, А.Тойнби, П.Сорокин). Ушбу ёндашув доирасида кўп ҳолларда ўз хусусиятларига эга бўлган *ғарб ва шарқ қадриятлари ажратиб кўрсатилади*. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш турли ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқишда тамойилий аҳамиятга эгадир. Масалан, Марказий Осиёда тарихан вужудга келган қадриятлар бетакрор ўзига хосликка эга ва ислох қилишнинг ҳозирги стратегиялари глобал - цивилизациявий жараёнларни мавҳум назарий тушунишдан келиб чиқмаслиги керак. Марказий Осиё халқларининг қадрият тизимларининг миллий-маданий ўзига хослигини ҳисобга олиш ушбу стратегияларнинг муҳим таркибий қисмидир.

XX асрда турли маданий дастурларнинг (мақсадлар, қадриявий мезонлар, манфаатлар, эҳтиёжлар ва бошқаларнинг) ёнма-ён мавжуд бўлиши ҳақидаги масала глобал-планетар хусусият касб этганлиги муносабати билан турли қадриявий тизимлар интеграциясининг аҳамияти кескин ортиб боради. Бундай интеграция турли даражадаги субъектлар (индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, жамоатчилик ташкилотлари, давлатлар, давлатлараро тузилмалар) томонидан умумий манфаатларнинг англаб олинишини тақозо этади. Умумий манфаатлар ўзаро бир-бирини тушуниш, «ўзга»га нисбатан бағрикенглик ва ҳурматни чуқурлаштириш учун замин бўлиб хизмат қилувчи базадир.

Турли маданиятларнинг ва қадриявий тизимларнинг ўзаро таъсири бир-бирига кириб бориши ва уларнинг янгиланишга бўлган тамойили бутун тарихий тараққиёт давомида мавжуд бўлганига қарамай, бутун тарих давомида унга қарама-қарши бўлган тамойил-анъанавий укладни, маданиятларнинг ўзига хослигини сақлашга бўлган интилиш ҳам яшаб келди.

Маданий ўзига хослигини ва маданий-қадриявий тизимларнинг хилма-хиллигини сақлаш муаммоси ғарбга хос «оммавий» маданиятнинг тарқалиши шароитларида айниқса долзарблик касб этди. «Оммавий» маданиятнинг кучли экспансиясига қарамасдан, ўзининг ўзига хослигини сақлаш, миллий маданиятларни бирхиллаштиришни (унификацияни) ва стандартлаштиришни қабул қилмасликка интилиш ҳам бутун ўтган аср давомида кўзга ташланади.

XX асрнинг асосий тамойиллари яхлитликка (бирликка, интеграцияга) томон ҳаракат қилиш ва маданиятларнинг ранг-баранглигини сақлаш, худди илгаридек, XXI асрда ҳам ривожланади.

Вазифа ана шу икки қарама-қаршилиқни уйғунлаштиришга - хилма-хилликдаги мушатаркликка эришишдан иборат. Мазмун жиҳатдан XXI асрда ҳам XX асрда ривож топган қадриятлар билан бир қаторда инсоният онгида ва ижтимоий амалиётдаги янги парадигмалар билан боғлиқ янги қадриявий мезонлар пайдо бўлиши керак.

Инсониятнинг турли таркибий қисмларининг қадриявий мезонлари (Ғарб-Шарқ, Шимол-Жануб) бугунги кунда турли хил векторга ва турлича даражада хусусиятга эга. Транзит ва ривожланаётган жамиятлар учун уларнинг келажагини белгиловчи қадриявий мезонлар ҳақидаги масала - энг муҳим ва долзарб масала. Уларни XX асрнинг техноген жамияти (индустриал жамият) қадриятларига йўналтирилиш мумкин. Аммо бу ҳолда энг ривожланган индустриал мамлакатлардан бутунлай орқада қолиб кетиш хавфли туғиладики, бунинг ўзига хос иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-психологик оқибатлари мавжуд. Бундан ташқари техноген (индустриал) цивилизация ўз имкониятларини тугатиб бўлди ҳисоб ва энг ривожланган индустриал мамлакатларнинг анада прогрессив тарихий босқич сифатида постиндустриал, ахборотли жамиятга ўтиши шундан далолат беради. Жамиятнинг мазкур типига ориентация этиш «индустриал» босқичнинг муаммосини ҳал қилишга имкон берувчи бутунлай янги стратегияларни қидириб топишни тақозо этади.

4.Шарқ ва Ғарб қадриятлариўртасидаги тасаввуф

Асрлар давомида (қарйиб XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошигача) Марказий Осиё халқларининг қадрият тизимлари анъанавий жамият меъёрлари доирасида ривожланди. Анъанавий жамиятнинг энг асосий таснифи қадимдан қарор топган ижтимоий-маданий тузилмалар ва стереотипларнинг сақланиши ва қайта тикланишига йўналтирилганлигидир. Анъанавий маданиятларнинг аксиологик тизимларида тарихан вужудга келган ва қарор топган ҳаёт ва фаолият усулларининг барқарорлиги энг олий қадриятлардан бири сифатида қабул қилинади. Бунда фаолиятнинг ҳар қандай новаторли, ислоҳчилик ва инқилобий шакллари асрлар давомида муқаддаслаштирилган, олдинги аجدодларнинг қадриявий тажрибаларини ўзида жам қилган меъёрлар ва андозаларга қасд қилиш сифатида қабул этилади.

Анъанавий жамиятнинг маънавий соҳаси, одатда, диний-мифологик пойдеворга суянади, мафкуравий тизимлар энг аввало таркиб топган ижтимоий маданий укладнинг сақланишига йўналтирилади.

Анъанавий жамиятнинг менталлиги-интровертив, рационал-мантикий тузилишдан кўра кўпроқ образларга таянувчи интуитив тафаккурдир. Айнан шу сабабли анъанавий шарқ жамиятининг фалсафий тизилмалари мифология, дин, шеърият, фольклор билан чамбарчас боғлиқ.

XX асрнинг мураккаб тарихий воқеалари барча собиқ совет ва собиқ социалистик мамлакатларининг қадрият тизимларига турлича таъсир кўрсатди, бироқ улар Марказий Осиё халқларининг ўзига хос маданий ҳаётида алоҳида муҳим рол ўйнади. Мазкур халқларнинг бутун қадриявий тизими (диний қадриятлар, миллий эҳтиёжлари маънавий маданиятнинг ўзига хос ҳодисалари, она тиллари халқларнинг менталитети ва бошқалар) жиддий трансформацияга учради. Бугунги кунда юз бераётган миллий тикланиш жараёнлари шароитида Марказий Осиё халқларининг қадриявий тизимининг тушунча ва моҳиятини уларнинг XX аср ва XXI аср бошларидаги трансформациясини фалсафий англаб етиш зарурати тузилди. Мазкур

трансформациялар «умуминсоний-миллий» контекстда кўриб чиқилиши мумкин.

Бир томондан шуни эсда тутиш зарурки, ҳар қандай жамиятнинг бутун кадриявий тизими - фан, фалсафа, санъат, адабиёт - фақат миллий анъаналар билан чекланмайди, чунки инсон фақат биологик мавжудот сифатида эмас, ижтимоий мавжудот сифатида ҳам яғонадир. Бу айниқса, ахборотлаштириш, компьютерлаштириш, тезкор алоқанинг замонавий тизимлари ривож топган ҳозирги динамик даврга дахлдордир. Барча мамлакатлар ва қитъаларнинг ҳаётий манфаатлари, асосий муаммолари энг муҳим жиҳатлар бўйича мос келади. Умуминсоний муаммолар умуминсоний кадриятлар тизимини шакллантириш заруратини тақозо қилади.

Бошқа томондан, миллий (яғона сифатида), минтақавий (алоҳида сифатида), умуминсоний (умумий, ялпи) кадриятлар диалектикасини ҳисобга олган ҳолда ёшларни миллий анъаналар, урф-одатлар, расм-русумларга, миллий тил ва санъатга ҳурмат руҳида тарбиялаш зарур. Агар инсон ўз халқининг миллий маданиятини, тарихини, маънавий кадриятларини яхши билса ва қабул қилса, у ҳолда у дунёдаги бошқа халқларнинг маданияти ва фалсафасини ҳам яхши қабул қилади, улар ҳақида ўз мустақил фикрига эга бўлади деб ишониш мумкин.

Халқларнинг кўплаб анъаналари, урф-одатлари, удумлари ва кадрият тизимининг бошқа унсурлари бутун XX аср давомида сақланиб келган бўлишига қарамай, бу тизимнинг кўплаб компонентлари трансформацияга учради. Бир қатор анъаналар бутунлай йўқолиб кетган бўлса, бошқалари ўзларининг ички кадриявий мазмунини ўзгартирди. Оилавий, маиший, байрам урф-одатлари сирасига кўплаб янги унсурлар кириб келди, бадий маданиятнинг тубдан янги турлари (портрет хайкалтарошлиги, портрет расмчилиги, опера, балет, оперетта ва бошқалар) пайдо бўлди.

Марказий Осиё халқлари тилларида, шу жумладан ўзбек тилида муҳим ўзгаришлар юз берди. Алифбо ва имло бир неча марта ислоҳ қилинди: араб алифбосининг трансформацияси ва уни ўзбек тили хусусиятларига

мослаштирилиши (XX асрнинг 20-йиллари бошида), лотин ёзувининг биринчи даври (1929-1940), кириллица даври (1940 йилдан XX асрданинг 90-йилларигача), лотин ёзувига иккинчи марта ўтиш (XX асрнинг 90-йиллари). Лексика сезиларли даражада ўзгарди: эски турмуш тарзи билан боғлиқ бутун бир лексик қатлам йўқ бўлиб кетди ва кўплаб янги сўзлар пайдо бўлди.

Ўзбек жамиятида қадимдан ўз қадриятлар тизими, дунёқараш мезонлари ва одамларнинг хулқ-атфори меъёрлари шаклланган. Бу меъёрий доира - анъанавий маиший маданиятнинг ўзига хос ўзаги. Унинг асосида одамларнинг бир нечта авлодлари томонидан ишлаб чиқилган, ўзбеклар учун анъанавий бўлган дунёқараш тушунчалари ётади. Анъанавий хулқ-атворнинг қилиплари онгнинг этник ва диний шакллари билан чамбарчас боғлиқдир. Ахлоқий-маънавий анъаналар ва тушунчаларнинг катта қисми ислом ақидалари билан мустаҳкамланган ёки аҳоли томонидан шундай (ислом анъаналари сифатида) қабул қилинади.

Ўзбек жамиятида *жамоа институтлари* улкан аҳамият касб этади. Шарқ кишиси уларсиз ўзини тасаввур эта олмайди ва улар унинг қадриявий мезонларига ўз таъсирини ўтказади. Асрлар давомида ҳар бир кишининг ҳаёти қатъий регламентга бўйсунган ҳолда кечган ва босқичма-босқич белгиланиб қўйилган. Мазкур ҳаёт босқичларининг ҳар бири жамоанинг тажрибаси, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Оилавий-қариндошлик ва қўни-қўшничилик жамоалари сингари интеграцион институтлар юксак қадрият мезонлари деб ҳисобланишининг сабаби мана шундадир. Бир ҳаётий босқичдан бошқасига ўтиши фақат айрим оила доирасидаги воқеа бўлиб қолмасдан, бундай маросимларга бутун оилавий-қариндош жамоалар ва қўни-қўшнилар жамоаси жалб этилар эди. Шарқ социуми алоҳида бир шахснинг манфаати эмас, балки ижтимоий манфаатлар, оила ва жамоа манфаатларини биринчи ўринга қўйишга асосланган. Анъанавий жамоаларда эса шахс манфаатлари гуруҳ манфаатлари саналади. Шарқда шахс ўзини жамиятдан алоҳида тарзда тасаввур эта олмайди. Шу боис ўзбек жамиятида жамоа анъаналари, расм-русум ва урф-одатлари қадрланиб авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Булар инсоннинг нафақат маънавий-маданий талабларини қондиришга, балки шарқ жамиятида инсоннинг социал статусини белгилашда ҳам жуда катта аҳамият касб этади.

Коллективнинг маънавий ҳаёт тарзи Ўзбекистонда кенг тарқалган, ўзбекларнинг маънавий дунёсини тавсифловчи социо-норматив маданиятнинг қатламини ташкил этувчи маҳалла номли қўшни-ҳудудий жамоа ташкилотларида жуда яхши сақланиб қолган.

Меҳмондўстлик - ўзбек ҳаётининг ўзига хос хусусиятларидан бири, меҳмон ҳар бир оилада ҳурмат ва иззат қилинади. Меҳмон кутишнинг анъанавий удумларига риоя қилинади. Бу удумлар таклиф қилинган меҳмонларни кутишда ҳам, таклифсиз келган меҳмонларни қабул қилишда ҳам сақланади. Барча ҳолларда ҳам ушбу удум меҳмонга ҳурмат, унинг мазкур хонадонда ўзини бемалол ҳис қилишга шароит яратишга тайёрлик руҳи билан суғорилган.

Ўзбек социумида атрофдаги кишиларнинг фикри ва уларнинг ҳурматиغا сазовор бўлишдан иборат қадриявий мезон ҳар доим юксак бўлиб келган. Ўз хулқ-атворининг анъанавий стандартларга мувофиқлиги - ўзбек менталитетининг энг муҳим таркибий қисми.

Ўзбекларнинг ижтимоий меъёрий маданиятида инсон хулқ-атворининг амалда ҳаётдаги барча стандарт ҳолатлар учун анъана томонидан белгилаб қўйилган қоидаларини кўриш мумкин. Улар болаликдан бошлаб шакллантирилади. Айрим неординар, истисно ҳолатларда ҳам инсоннинг анъанавий хулқ-атвор меъёрларининг ташувчилари сифатида намоён бўлувчи оқсоқоллар ва ҳурматли кишилар билан маслаҳат қилмай, мустақил қарор қабул қилиши камдан-кам учрайди.

Ўзбекларнинг қадриявий мезонлар тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири катта ёшли, кекса кишиларга ҳурмат ва иззат билан қарашдир. Кўп ҳолларда боболар ва бувилар оиланинг номинал бошлиқлари ҳисобланади (ҳатто улар кексаликлари сабабли бошчилик қила олмаган ҳолларда ҳам). Оиланинг барча қолган аъзолари уларнинг қарорлари ва маслаҳатларига қулоқ соладилар. Байрамларда, ҳайитларда кекса қариндошларни зиёрат қилиш, уларга совғалар ва ноз-неъматлар олиб бориш анъанаси сақланиб қолмоқда. Кексалар ҳақида ғамхўрлик қилиш биринчи ўринда туради ва кўп ҳолларда намоён бўлади. Болаларнинг ўз ота-оналари ҳамда кекса, ёлғиз қолган қариндошларини боқишлари ва уларга васийлик қилишларидан иборат анъанага қатъий риоя қилинади.

Ўзбек тилида «савоб иш» деган тушунча бор. Беваларга, етимларга ёрдам бериш ана шундай ишлардан ҳисобланади. Уришиб қолганларни яраштириш ҳам эзгу иш ҳисобланади. Ана шу савоб олиш анъанаси доирасида уйда нон ёпилган кунлари қўшнилارга чиқариш ёки товоқда таом киргизиш одати мавжуд.

Илтимос билан мурожаат қилган кишига рад жавоби бериш расм эмас, унга қўлдан келганича ёрдам бериш зарур. Унинг илтимосини қондиришнинг иложи бўлмаган ҳолларда ҳам илтимос бирданига рад қилинмайди, балки унинг кўнглини кўтарувчи сўзлар айтилади.

Ўзбекларнинг қадриявий тизимларининг шаклланишида аجدодларнинг маънавий мероси катта аҳамият касб этади. Халқ орасида тарқалган ҳикматли сўзлар, машҳур арбобларнинг ишлари ва фаолияти ҳақидаги ривоятлар, авлиёлар ҳаётидан олинган диний ҳикояларнинг ахлоқий-маънавий тарбия учун аҳамияти катта. Шу сабабли улар омма орасида кенг тарқалган.

Ўзбек жамиятида инсон хулқ-атворининг анъанавий этикаси бутун бир ҳаётий тизимни ташкил этган. Унда шахснинг маънавий хулқ-атвориға ҳамма вақт алоҳида аҳамият берилган. Юз берган жиддий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий трансформацияларға қарамай, унда давр давомида жамиятдаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб келган ва меъёр вазифасини бажарган анъанавий ахлоқий негиз сақланиб қолға Қадриятларнинг бошқа бир релятивистик (субъективистик) концепцияси ҳам мавжуд бўлиб, унга *Протагор* асос солган. Мазкур концепцияға мувофиқ қадриятларнинг баҳоси нисбий бўлиб, у инсонға боғлиқдир.

Қадрият муаммосига антик даврдаёқ шаклланган ёндашувлар ўз кўринишларини муайян даражада ўзгартирган ҳолда кейинги фалсафий тизимларда ҳам сақлаб келдилар. Аксиология муаммосини ишлаб чиқишға *И.Кант*, *Г.Лоце*, *Г.Риккерт*, *Н.Гартман*, *Ф.Ницше* ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Хулоса

Инсоният тарихининг илк даврларидаёқ одамлар нарсаларнинг муайян қимматға эга эканлигини, инсоннинг у ёки бу эҳтиёжларини қондира олишини, бирон соҳада фойдали бўлиши мумкинлигини кашф этганлар. Шу билан нарсаларнинг қадриявий хусусияти очилган.

Дастлабки пайтларда бу хусусият буюмларнинг амалий фойдаси билан боғланар эди. Кейинчалик қадрият мақоми бошқа ижтимоий институтлар ва маънавий ҳодисаларда ҳам тан олина бошланди.

Инсон ўз фаолиятини йўналтириши лозим бўлган неъматлар ва қадриятлар муаммоси *қадимги шарқ фалсафаси* ва фалсафаға қадар бўлган фикр тарихида муҳим ўрин тутди. *Брахманликда* - бу қайта туғилиш орқали

янада юксакроқ варнага¹⁴ эришиш. Инсоннинг кейинги ҳаётида қаерда туғилиши унинг тақводорлиги билан боғлиқ, тақводорлик эса ўз варнасининг дхармасига хизмат қилиш ва унинг кўрсатмаларидан четга чиқмаслигини англатар эди. Олий мақсадга фақат брахманлар эришишлари мумкин бўлиб, у ҳамма нарсадан (оиладан, бойликдан, олимликдан) воз кечиш ва сансарадан озод бўлиш йўли. Зоҳидлик, хайр-эҳсон, поклик, куч ишлатмаслик, яқин кишиларга ҳамдард бўлиш, ўз эхтиросларини жиловлаш - брахманликнинг етакчи қадриятлари. Упанишадларда идеал брахман ҳеч нарсага кўнгил қўймайдиган, қайғу, бахиллик, умид туйғуларидан озод, осойишта, ёлғон ва ҳатто ўз-ўзини идрок этишдан ҳам холи бўлган тафаккури берилган киши сифатида тасвирланади¹⁵.

Брахманликда салмоқли ўрин тутувчи қадриятлар қадимги ҳинд жамиятидаги касталарга бўлиниш билан чамбарчас боғлиқ. Бундай боғлиқлик (бунга ҳар бир каста вакили амал қилиши керак) брахманликка нисбатан муҳолифатда бўлган *бхагаватгизм*, *жайнизм* ва бошқа оқимларда ҳам мавжуд. Бироқ *чарваклар* фалсафасида бундай ҳилдаги алоқанинг асосланганлиги шубҳа остига олинади. Бундан ташқари чарвакларда аскетизмнинг тарғиб қилиниши ўрнини бахтни лаззат сифатида тушунишга йўналтирилган *гедонистик* дастур эгаллайди.

Қадимги Хитой фалсафий тизимларида ҳам қадриявий идеаллар шакллантирилган. *Конфуцийлик*да бу қадимийликка йўналтирилганлик, «олтин ўрталиқ», «инсонсеварлик», «ҳамдамлик» сингари тамойиллардир. Конфуцийликнинг асосий тамойили шундай: «ўзингга раво кўрмагани ўзгаларга раво кўрма»¹⁶. Конфуцийликнинг ахлоқининг асосида - фуқаронинг подшоҳга, хотиннинг эрга, ўғилнинг отасига, кичикнинг каттага ҳурмати ва бўйсунуш ётади.

¹⁴ Қадимги ҳинд жамияти 4 варналардан – брахманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудралар табақаларидан иборат эди.

¹⁵ Чанышев А.Н. Начало философии. М., 1982. 138-б.

¹⁶ Древнекитайская философия. В 2-х т. М., 1972. Т.1.167-б.

*Даосизм*да конфуцийлик қадриятлари инкор этилади. «Мутлак доноларча» хулқ-атворнинг асосий тамойили - фаолиятсизлик тамойилидир: ҳамма нарса табиий йўл ҳисобланувчи *дао* йўлида кетиши керак.

Европа фалсафасида қадриятлар муаммоси *Қадимги Греция*да қўйилган эди. Бу муаммони биринчилардан бўлиб *Сукрот* кўтариб чиқди. У аксиологиянинг асосий масаласини «Неъмат нима?» деган савол билан ифодалади. Унинг бу саволга мурожаат этиши тасодикий эмас эди. Бу ҳол Афина демократиясининг тангликка учрашининг қонуний натижаси сифатида юзага келди. Мазкур саволга жавоб бериш янги ижтимоий идеалларни қидиришда ёрдам бериши лозим эди. Кейинги даврларда ҳам қадриятлар фалсафаси тарихнинг бурилиш даврларида, анъанавий қадриятлар қадрини йўқотган, жамиятнинг ижтимоий негизлари обрўсизланган пайтларда долзарб аҳамият касб этганлигини кўришимиз мумкин.

Антик анъана доирасида қадриятлар муаммосини ишлаб чиқишда *Демокрит* катта роль ўйнади. Қадриятлар табиатини натуралистик (объективистик) талқин қилиш анъанасини у бошлаб берди. Антик файласуфнинг фикрига кўра, бахт-саодат, эзгулик, адолат, гўзаллик мезонлари табиатнинг ўзида, ҳамма нарсанинг ўз табиий оқимида кетишидир. Нимаики табиатга мос бўлса - яхши, нимаики унга зид бўлса - ёмон. Бизнинг хузур-ҳаловатимиз ва азобларимиз, қониқишимиз ва норозилигимизнинг асоси ана шунда.

Афлотунга ҳам қадриятларни объективистик тушуниш хос эди. Бироқ материалист Демокритдан фарқли ўлароқ Афлотун уларнинг манбаини табиатда (нарсалар оламида) эмас, балки вужудсиз моҳиятлар (объективлаштирилган тушунчалар) - ғоялар оламида кўради. «Катта Гиппий» асарида Афлотуннинг Сукрот исмли қаҳрамони Гиппий билан суҳбатда у ёки бу нарсаларни гўзал қилувчи нарса нима эканлигини билишга уринади. Гўзалликнинг айрим нарсалардаги инъикосини намоёйиш қилиш орқали гўзалликнинг нима эканлигини идрок этиш мумкин эмаслиги

файласуфни *гўзаллик* «*ғоя*»сига олиб келадики, ана шу гўзалликнинг қандайдир бир нарсага қўшилиши уни гўзал қилади. Афлотун ғоялари бири-бирига бўйсунувчи муайян тартибда жойлашади. Мазкур ғоялар пирамидасининг чўққиси *бахт-саодат* ғоясидир. Айнан шу ғоя ижобий фазилатларнинг, гўзалликнинг, ҳақиқат ва уйғунликнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланга адабиётлар рўйхати

1. И.Каримов. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т. 1998
2. И.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» 2000 йил 8 июнь.
3. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. 1998 й.
4. И.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Асарлар 5-жилд. Т. «Ўзбекистон».1997 й.
5. И.Каримов. Фалсафадан ваъз. Т. «Ўзбекистон». 1995 й.
6. Введение в философию. В двух частях. М. Политиздат. 1989 г.
7. Мир философии. М. Политиздат. 1991 г. том 1.
8. Основы философии Под редакцией Ахмедовой М.А и Хан В.и Т. «Узбекистан». 1998 г.
9. Фалсафа.(Акадамик Э.Юсупов таҳрири остида). «Шарқ». Т. 1999 й.
10. Фалсафа (маъруза матнлари). Т., 2000 й.
11. И. Раҳимов. Фалсафа (қисқача конспект). Т. 1996 й.
12. Фалсафа.(Акадамик Э.Юсупов таҳрири остида). «Шарқ». Т. 1999 й.

13. Фалсафа (Маърузалар матни). Т. 2000 й.
14. Введение и философии. Част 2.М. 1990 й.
15. И.Раҳимов, фалсафа Т. 1998 й.
16. Фалсафа (Э.Юсупов, таҳрири остида) Т.1999 й.